



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 13 апрель, № 72 (5239)

Чоршанба

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

### МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Қишлоқда уй тўйлари

**АНДИЖОН.** Асака туманининг Чек маҳалласи ҳамда Фарғона кўчасида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган жами 42 та замонавий уй-жойларнинг қалитлари ўз эгаларига топширилди.

Умумий қиймати 1 миллиард 510 миллион сўмини ташкил этган мазкур иншоотлар "Андижон тезкор қурилиш" маъсулияти чекланган жамияти бинокорлари томонидан барпо этилди. Эътиборлиси, ушбу иморатларнинг барчаси замонавий коммуникация тармоқларига уланган.

**О. ШОДНОАЛИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### Сифати юқори ва харидорғир

**ХОРАЗМ.** Хонқа туманилик тадбиркор Хушнуд Бекметов трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисодлаштирилган корхона фаолиятини йўлга қўйди.

Бунинг учун 100 миллион сўмликдан зиёд банк кредити ва ўз маблағи ҳисобига замонавий дастгоҳлар харид қилиб, корхонага ўрнатди. Натижада 41 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Ҳозир бу ерда ҳар ойда ўртача 25-30 турдаги 30 миллион сўмлик бежирим либослар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилаётган.

Айтиш жоизки, Хонқа туманида Утган йили ана шундай корхоналар томонидан 17 миллиард 309 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди.

**О. РАҲИМОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### Ишлаб чиқариш қуввати ошади

**САМАРҚАНД.** Нурободлик тадбиркор Азим Хўжакулов банкнинг 212 миң АҚШ долларлик кредити ҳисобига «Шамс-Мир» хусусий корхонаси фаолиятини кенгайтирди.

Бунинг учун хориддан гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линия ҳамда зарур техника воситалари харид қилинди. Натижада бу ерда 40 та қўшимча иш ўрни яратилиб, маҳсулот тайёрлаш қуввати кунига 15 миң донага етди. Айна пайтда тадбиркор илғор технологиялар ҳисобига корхона қувватини яна икки баробарга оширишни режалаштирмоқда.

**А. САТТОРОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### Модернизация самараси

**НАМАНГАН** шаҳридаги «Само таъмир сервис» маъсулияти чекланган жамиятида умумий овқатланиш ва савдо тармоқлари учун мўлжалланган музлаткичларни йиғиш йўлга қўйилди.

Айна пайтда мазкур электр жиҳозининг мотор ва компрессоридан ташқари, барча бутловчи қисмлари корхонанинг ўзига тайёрланмоқда. Янги лойиҳани амалга ошириш учун жамият томонидан 30 миллион сўм сармога киритилди. Натижада 20 та иш ўрни яратилиб, қисқа муддатда 60 насадан зиёд музлаткич бюртмачиларга етказиб берилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.



## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ВА БУНЁДКОРЛИК

Бугунги кунда мамлакатимизда энергетика тизимини такомиллаштириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш ҳамда энергия истеъмолини камайтириш ва тежамкорликнинг самарали тизимини йўлга қўйиш борасида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда. Зеро, энергия манбаларидан фойдаланишда замонавий технологияларни жорий этиш аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

«Навоий ИЭС» очик акциядорлик жамияти фаолияти бунга мисол бўла олади. Станцияда истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, мавжуд технологияларни босқичма-босқич модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2009 йил 19 августдаги қарори билан тасдиқланган «Навоий ИЭС» ОАЖда Буг-газ қурилмасини қуриш инвестиция лойиҳаси» қўл келмоқда. Айна

пайтда мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда Испания, Япония мамлакатлари компаниялари консорциуми билан имзоланган шартномага мувофиқ, амалий иш олиб борилаётган. Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятлари аҳолисини электр энергияси билан таъминлаш, атроф-муҳитга чиқари-

ладиган зарарли чиқиндилар миқдорини камайтиришга қаратилган мазкур лойиҳа қўйимти 336,7 миллион евро ни ташкил этади. У «Ўзбекэнерго» ДАК, Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари ҳамда Ўзбекистон Таъкиқоти фаолият милити банкнинг кредити ҳисобидан молиялаштирилди. Эътиборлиси, янги буг-газ қурилмаси ишга туширилиши би-

лан бир киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 230 грамм шартли ёнилги сарф этилади. Ваҳоланки, ҳозир амалда ишлаб турган станцияларда бу миқдор 400 граммни ташкил этади. Демак, янги лойиҳа шарофати билан қарийб икки баробар тежамкорликка эришиш имконияти юзага келади.

(Давоми 2-бетда).

**СУРАТДА:** (ўнгдан) лойиҳани амалга ошириш гуруҳи муҳандиси Ихтиёр Абдуллаев ва техника хавфсизлиги бўйича мутахассис Дилмурод Хидиров.

## ИСЛОМОБОДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

Исломобода Ўзбекистон — Покистон ҳукуматлари орасида бўлиб ўтган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» мавзусида тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бугунги аҳоли, уни ривожлантириш йўллари ҳамда ушбу соҳада ўзаро ҳамкорликнинг истиқболлари билан яқиндан танишдилар.

— Ўзбекистон раҳбариятининг узокни қўлаб юритаётган оқилона ва пухта сиёсати туфайли мамлакат глобал иқтисодий инқироз оқибатларини муваффақиятлик билан енгиб ўтди ҳамда ушбу сиёсатнинг самараси ўларок, йирик миқдордаги маблағларни иқтисодий ўсишга йўналтиришга эришди, — деди Покистон савдо-саноат палатаси уюшмаси қўшмадиги Урта Осиё мамлакатлари билан савдо алоқалари бўйича доимий кўмитаси раиси Атиф Азиз. У, шунингдек, Ўзбекистоннинг бюджет-солиқ соҳаси ва таъкиқоти салохиятини янада кенгайтиришга аҳоли турмуш даражасининг юксалишига имкон беришини қайд этди.

Покистон Ислом Республикаси Иқтисодиёт ва статистика вазирлигининг иқтисодий ҳамкорлик бўйича бош бошқармаси бошлиғи Соҳил Реханнинг таъкидлашича, томонлар улкан иқтисодий салоҳиятига эга бўлиб, ушбу имкониятдан самарали фойдаланиш савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга тўртта бўлади.

Унинг фикрича, нефть ва газ, фармацевтика ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, Покистон ва Ўзбекистон ўртасида оптик талаби алоқа тармоғини йўлга қўйиш Покистон томонидан катта қизиқиш билдирилаётган соҳалардир.

«Travel Planners» компанияси директори Ҳамид Маҳмуд икки томонлама муносабатларнинг маданий-маънавий жиҳатларига эътибор қаратди. Унинг сўзла-

рига кўра, Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон ўзининг бой тарихий-меъморий ва маънавий-маданий ёдгорликлари, хушманзара табияти ҳамда халқининг самимий меҳмондўстлиги билан бутун дунё, шу жумладан, покистонлик сайёҳларнинг қизиқишини оширади. «Хусусан, Темурийлар давлатининг пойтахти, «Шарқ гавҳари» номлари билан машҳур қўна ва ҳаммаша навқирон Самарқанд мусулмонларнинг муқаддас қадамжосидир. Бой тарихий меросга эга бўлган қадимий Бухоро, Урта Осиёдаги энг азим шаҳар, муҳим тижорат маркази ва замонавий шаҳар-созиликнинг ёрқин намунасини ўзида акс эттирган Ўзбекистон пойтахти — Тошкент билан бир қаторда, мамлакатнинг бошқа кўпал гузал шаҳарлари ҳам хорижий сайёҳларни ўзига тортади», деди у жумладан.

Сўзини яқунлар экан, Х. Маҳмуд сайёҳлик соҳасининг Покистон ва Ўзбекистон муносабатларида ўзига хос кўприк вазифасини ўташини ҳам алоҳида қайд этди.

«Жаҳон» АА.

(Давоми 2-бетда).

### «Биз — 20 ёшдамиз!»

## ИҚТИДОР ВА ШИЖОА НАМОЙИШИ

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи муносабати билан Термиз шаҳрида «Биз — 20 ёшдамиз!» шиори остида ёшлар акцияси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Лойиҳанинг айнақисса, Термиз давлат университети ҳамда Термиз ахборот технологиялари ва маънавий хизмат касб-хунар коллежида ўтказилган беллашув қисми қизиқарли чиқишларга бой бўлди. Хусусан, тадбирдаги ахборот технологиялари ишлаб, ёшлар студияси ижоди, матбуот ва хорижий тиллар йўналиши

(Давоми 2-бетда).

## Маҳаллий маҳсулотлар ярмаркаси

қўбатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, хариддорларнинг истеъмоли товарларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, қолаверса, хом ашё ва бутловчи бўюмларни ўзимизда ишлаб чиқариш ҳисобида четдан келтириладиган маҳсулот

ҳажминини камайтириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда 100 дан зиёд корхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар. Эътироф этиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикасида айна пайтда 1094 та юридик шахс, жумладан,

25 та йирик корхона, 1069 та кичик бизнес субъекти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг бир нечасида Маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 4-бетда).





# МИНТАҚА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Яна санокли кунлардан сўнг Сурхондарё вилоятида "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинларининг республика босқичи бошланади. Мазкур тадбир олдида Наманган шаҳрида мусобақа дастуридан жой олган тўртта спорт тури бўйича минтақавий босқич беллашувлари ўтказилди.



Эсингизда бўлса, аввалги мусобақаларнинг финал босқичида спортнинг ўйин турлари бўйича ҳар бир вилоят терма жамоаси тўғриван тўғри иштирок этарди. Бу сафар мусобақанинг янада муросасиз ўтишини таъминлаш мақсадида мазкур тартибга ўзгартириш киритилиб, худудий босқич беллашувларида ғолибликни қўлга киритган вилоят жамоаси финалга чиқиши белгилаб қўйилди.

бўйича ўзаро куч синашди. Айтиш керакки, муросасиз кечган баҳслар ёшлар бўлажак беллашувларга ҳар қачонгидан кўра пухта ҳозирлик кўришганини намоён этиди. Айтиш керакки, наманганлик ўғил-қизлар спортнинг мазкур турлари бўйича қўшни вилоятдаги тендошларидан анча устун эканликларини исботлашди. Пировардида Термиздаги мусобақаларда футбол, волейбол, қўл тўпи ва баскетбол (қизлар жамоалари) бўйича минтақа шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқи Наманган вилояти вакилларига насиб этди. Андижонлик ўғил болалар эса қўл тўпи ва баскетбол бўйича йўлланма эгаси бўлишди.

Қудратилла НАЖМИДДОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ярмаркада қишлоқ хўжалиги соҳасида қўл келадиган янги технология ишланма билан қатнашман, — дейди иқтисодиёт факультетининг бакалаврият босқичи 4-курс талабаси Жамшид Эшнатов. — Қурилманинг афзаллиги шундаки, у ортқича электр энергияси ва сарф-харажат талаб қилмайди, экологияга зарар етказмайди. Яна ҳам аниқроқ айтганда булсак, лойиҳага кўра, автомобилларнинг муддатини ўтаб бўлган ички ёнув двигателларидан фойдаланган ҳолда, қувурлар орқали ўзининг босим кучи билан сувни 150 метр балинд-



# ЮРТ ҒУРУРИ, КЕЛАЖАК ТИМСОЛИ

ликка чиқариш мумкин. Бу деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланаётган фермерларга ерни сугоришдаги муаммоларни ҳал этишда кўмак беради. Жамшиднинг ҳамқурси Олимхўжа Асқаров эса янада эътиборли гоёни илгари сурмоқда. Унинг фикрича, кўмир чикиндиси ёрдамида уй-жой қурилишида ишлатилган мустаҳкам ва бежирим керамик плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Тадқиқот муаллифи илгари суралган гоёсининг афзаллиги ҳақида шундай дейди: — Масалан, Ангрэн кўмир қонида қазиб олинган табиий ресурс қолдиқларидан фойдаланган ҳолда, керамик плиталар

ишлаб чиқариш тадбиркорлар учун анчайин арзон ва самарали усулдор. Энг муҳими, кўмир тафтида тайёрланган маҳсулот юқори сифати, пишиқлиги, чидамлилиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Бугунги кунда ушбу инновацион гоё бир қатор ишлаб чиқариш объектларида амалиётга татбиқ этилди. ...Елена Райдер ҳам олий ўқув юртининг Микробиология ва биотехнология кафедраси тадқиқотчиси сифатида қизгин илмий изланишлар олиб бормоқда. Унинг ачиртидан ажрати олиниб, қаттиқ жисмга бириктириладиган эстераза ферментини қўллаш орқали озқовқат саноати маҳсулотларининг сифатини ошириш-

га қаратилган янги илмий лойиҳаси ҳозирданок кўпчилик ишлаб чиқарувчиларда қизиқтиришга йўта-япти. Чунки тадқиқот муаллифи ушбу фермент спиртли ичимликларнинг таъминини янада яхшилашга, хушбўйлигини оширишга, сақлашни муддатини узайтиришга хизмат қилишини ва у инсон саломатлиги учун мураккаб хавфсиз эканлигини илмий асослаб берди. Ёш иқтисод соҳиббаси бу билан кифояланиб қолмоқчи эмас. У келажакда яратилган инновацион гоёлари билан жаҳон миқёсида тан олинган тадқиқотчи бўлиб етишишни орозу қилади. — Бизнинг энг замонавий шароитлар асосида ўқиб, билим олишимиз

учун барча имконият яратилганлиги ютуқларимизнинг асосий омилдир, — дейди Елена Райдер. — Президентимиз бизга хамиша ишонч билдириб, эртанги куннинг чинакам маънода ҳал қилувчи кучига айланганимиз, иқтидор ва салоҳиятимизни кенг миқёсда намён этишимиз учун оталарча гамхўрлик кўрсатмоқдалар. Ушбу эътиборга жавобан, фақат энг юксак марраларни қўлаб ҳаракат қилишимиз керак, деб ўйлайман.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: Ўзбекистон Миллий университети талабалари. Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

Қарши шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинларининг минтақавий босқичида мезбонлардан ташқари, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари спортчилари иштирок этди.

Мусобақалар Шўртан газ-кимё мажмуасига қарашли "Геолог" спорт-соғломлаштириш маскани, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳамда Қарши банк коллежи майдонларида бўлиб ўтди. Дастурдаги футбол баҳсларида Бухоро вилояти вакилларини 4:1 ҳисобида мағлуб этган сурхондарёликлар сўнгги учрашувда мезбонлар билан дуранг натижага эришдилар ва тўплар нисбатига кўра, финалга йўлланма олишди. Ўсирилар ўртасидаги баскетбол беллашувларида омад Қашқадарё вилояти жамоасига қўлиб боқди. Улар асосий рақиблари — Сурхондарё вилояти терма жамоасини 59:43 ҳисобида енгиб, Термизга борадиган бўлдилар. Қизлар ўртасидаги йўлланма эса Сурхондарё

вилояти вакилларига насиб этди. Волейбол ва қўл тўпи бўйича беллашувларда ҳам Сурхондарё вилояти ўсмирлар ва қизлар терма жамоалари финал босқичига йўлланма олди. Минтақавий босқич мусобақалари давомида иштирокчилар учун турли маданий ва маърифий тадбирлар ҳам ташкил этилди. Улар доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, Қарши шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштирилди. Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# МУРУВВАТДАН КЎНГИЛЛАР ОБОД

Нукуслик Қидирнияз ака Жабборберганов умининг етмиш учинчи баҳорини қаршилади. Туғилган кун арафасида шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходимлари уни йўқлаб, совга-саломлар билан сийлашди. Ота, айниқса, ўзи мустақил ҳаракатланишига кўмак берадиган янги ногиронлар аравачаси тақдим этилганидан бениҳоя мамнун.

— Самимий меҳр ва мурувватдан жуда ҳам хурсанд бўлдим, — дейди отахон. — Байрамлар бўладими, туғилган кунимми, хуллас, доимо ҳолимдан хабар олиб туришади. Ҳар йили тиббий кўрикдан ўтишимда ўз ёрдамлари кўришни аямай...

### Ижтимоий ҳимоя

Шу йилнинг айна кунларига қадар Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ҳисобга олинган 1683 нафар ёлғиз инсон, қария ва ногиронлар тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилиб, муқим ва қатнов шароитида даволанди. Икки юз нафардан зиёд мутахассисларнинг ҳолидан хабар олиб туришади. Улар учун яратилган имкониятлардан яна бири жойларда реабилитация воситаларини ижарага берувчи бўлимлар фаолияти йўлга қўйилганлигидир. Айна пайтда Оролбўйидаги 7 та туманда ана шундай бўлимлар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Мазкур хизмат тури яқинда Кегейли ва Тахтакўпир туманларида ҳам йўлга қўйилди. Эътиборлиси, бу каби қўлайликлар натижасида жисмоний имконияти чекланганлар ногиронлар аравачаси, аши таш мосламаси, ҳасса ва қўлтиқтаёқ, протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминланмоқда.

лар орасида имконияти чекланган болалар ҳам бор. Уларнинг аксарияти Болалар ижодиёти марказига қатнаб, илм, санъат ва хунар ўрганишмоқда. Масалан, Нукуснинг Бестобе шаҳарчасидаги 30-умумтаълим мактаби ўқувчиси Бахтиёр Қалиев "Мафтунок ранглар дунёси" номли суратлар кўрик-танловида ғолиб, деб топилди. — Келажакда буюк rassom Камолитдин Беҳзод бобомиздек машҳур мусавир бўлиш орзусидаман, — дейди Бахтиёр. — Устозим rassom кенг дунёқарашга эга бўлиши учун кўп китоб ўқиши, тез-тез санъат кўргазмаларига бориб туриши керак, дейдилар. Ана шу ўғитларга амал қилиб, ўз устимда ишлашни қанда қилмайдман. Ота-онамининг кўзларида қувонч кўриш учун ҳам яхши санъаткор бўлишим керак. Шундагина уларнинг кемтик қалбларини қувончга тўлдирган бўламан.

Зеро, меҳр-мурувват инсон қалбига эзгулик уруғини қадайдди, деганларидек, бугун Бахтиёр сингари ёшлар мамлакатимизда ҳеч ким эътибордан четда эмаслигини, барчага бирдек самимий гамхўрлик кўрсатилишини, оққўнғил ва саховатпеша элнинг фарзанди эканини юракдан ҳис этиб улғаймоқдалар. Бу эса маънан етуқликка интилувчи ёшларимиз сафи кенгайиб боришига хизмат қилади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

TO'SHKEŖT MOLNIA INSTITUTI 2010-2011 йил охирида...

Ўқувчи	Ҳисоби	Ҳисоби	Ҳисоби	Ҳисоби	Ҳисоби
Алиев А.А.	...	...	...	...	...
...	...	...	...	...	...

Ўқувчи: Қашқадарё вилояти, Қашқадарё шаҳри, Қашқадарё шаҳар ислом мактаби, Қашқадарё шаҳар ислом мактаби, Қашқадарё шаҳар ислом мактаби...

### Фестиваль

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан "Халқ томоша санъати ва миллий ўйинлар" республика фестивалининг минтақавий босқичлари бўлиб ўтмоқда.

# ХАЛҚОНА ЎЙНЛАР ЗАВҚИ

Бадий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, халқимизнинг қадимий ўйинларини тиклаш, ёшларнинг номоддий маънавий меросимизга бўлган қизиқишини қучайтириш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир кўпчиликни қизиқтирмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган фестиваль давомида қитоблик Ализа Эрнаузова, Ҳамид Қўбилев, Фарид Муҳомедов сингари ҳаваскорлар ўзбек мумтоз қўшиқлари билан тадбирга ўзгача файз киритдилар. Кечани иштирокчилар — Чини моми Тоштемурова мазкур худудга хос ўланларни, Тошой моми Ҳаитова чанқов уз наваларини, шунингдек, Номоз бобо Тўраев миллий халқ ўйинларини намоён этиб, алоҳида эътиборга сазовор бўлди.

Ғолиблар фестивалнинг республика босқичида иштирок этдилар.

Мухтасар КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

"Халқ томоша санъати ва миллий ўйинлар" республика фестивалининг Бухоро вилояти босқичида бадий ҳаваскорлик жамоалари тўққизта йўналиш бўйича беллашиб, ўз маҳоратларини намоён этидилар. Яқинда Шифиркон туманининг Жўйнав қишлоқ маданият уйи қошидаги "Фулмате бургултери" жамоаси халқ миллий ўйинлари, Бухоро шаҳар "Қамолот" маданият уйи қошидаги "Бухоро юлдузлари" гуруҳи дорбозлик, Фихридун халқ театри жамоаси кўғирчоқозлик йўналишида ғолиб чиқдилар. Шунингдек, бошқа йўналишлар ғолиблари номи ҳам аниқланди. Эндиликда улар "Халқ томоша санъати ва миллий ўйинлар" республика фестивалининг яқиний босқичида қатнашадилар.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ОБ-ҲАВО**  
(13 апрель)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.  
**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик қўтилмайди. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.  
**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қўзатилмайдими. Ҳарорат тунда 11-16, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.  
**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 12-17, кундузи 29-34 даража иссиқ бўлади.  
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қўтилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.  
**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик қўзатилмайдими. Ҳарорат тунда 14-16, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.  
**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материалари

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусахҳаҳ — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5